

№	Ички аудит саволлари
1	Активлар ва мажбуриятларни ҳақиқий баҳолаш принципи бюджет ташкилоти учун баҳолашда нима асос бўлишини назарда тутуди?
2	Агар бюджет ташкилотининг бюджет маблағларини тақсимловчига рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган харажатлар сметаси бўйича харажатлар суммаси белгиланган тартибда унга етказилганига нисбатан ортиқ бўлса, бюджет маблағларини тақсимловчи қандай йўл тутуди?
3	Агар ташкилот биологик активни амортизация ва зарарни чегирган ҳолда таннарх бўйича ўлчаса, бунда биологик активларга нисбатан қайси маълумотлар кўрсатилиши керак?
4	Аудитор ким, унинг ички назоратдан фарқи нима
5	Асосий воситаларнинг балансдан чиқарилиши (сотилиши, беғараз берилиши, етишмовчилик ва талонторожлар) қандай акс эттирилади?
6	Биологик активнинг ҳақиқий қиймати қандай аниқланади?
7	Ўрта муддатли давр учун фискал стратегия нима?
8	Бюджетнома нима?
9	Бюджет тизими бюджетлари нима?
10	Ғазначилик мемориал ордери нима?
11	Харажатлар моддаси билан сметаси ўртасидаги иккита фарқни айтинг?
12	Даромадлар ва харажатлар параметрлари ижросининг мониторингини таъминлашдан мақсад нима?
13	Бюджет маблағларини тақсимловчи томонидан унинг тасарруфидаги бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметалари асосида тузиладиган харажатлар сметаси қандай номланади?
14	Бюджет таснифининг таркиби нималардан иборат?
15	Бюджет таснифининг тўлиқлик принципи қандай таърифланади?
16	Бюджет таснифининг ўзаро мувофиқлиги принципи нима?
17	Бюджет таснифининг ягоналик принципи қайси жавобда келтирилган?
18	Давлат органлари ва ташкилотларининг ички аудит хизмати тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ ички аудит хизмати мажбурияти тўғри кўрсатилган қаторни топинг
19	Давлат органлари ва ташкилотларининг ички аудит хизмати тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ ички аудит хизмати тушунчасига тариф беринг?
20	Давлат органлари ва ташкилотларининг ички аудит хизмати тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ ички аудит хизматини ташкил этмасдан ички аудит фаолиятини бошқа таркибий тузилмаларга юклаш мумкинми?
21	Давлат харидларида мутаносиблик нималар билан таъминланади?
22	Давлат харидларини амалга оширишда аванс тўлови деб нимага айтилади?
23	Давлат харидларини амалга оширишда воситачилик йиғими деб нимага айтилади?
24	Давлат харидларини амалга оширишда лот деб нимага айтилади?
25	Давлат харидларининг режажадвали қандай маълумотларни ўз ичига олиши керак?
26	Давлат харидларининг электрон тизими автоматик режимда нималарни амалга оширади?
27	Давлат хизматчиларининг хизмат фаолияти давомидаги мажбурияти тўғри кўрсатилган қаторни топинг.
28	Ички аудит миллий стандартларига асосан ички аудит йиллик режасида нималар кўрсатилади?

29	Ички аудит миллий стандартларига мувофиқ аниқланган хавфларни бартараф этиш ички аудит объекти имкониятидан ташқари бўлган тақдирда, ички аудит хизмати қандай хаттиҳаракатларни бажаради?
30	Ички аудит тадбирларини ўтказиш қўлланмасига асосан хавф омилнинг вазни нимани англатади?
31	Ички аудит тадбирларини ўтказиш қўлланмасига кўра, агар йиллик режага киритилган ички аудит объектида аудит тадбири ўтказилмаса, бу ҳолат қандай расмийлаштирилади?
32	Ички аудит фаолиятининг асосий тамойиллари қайси стандарт билан белгиланган?
33	Ички аудит хизмати давлат органи ва ташкилотда кимга ҳисобдор ҳисобланади?
34	Кассанинг ягоналиги принципи деганда нимани тушунасиш?
35	Қайтариш шарти билан юқори турувчи бюджетдан қуйи турувчи бюджетга, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларига, резидентюрлик шахсга ажратиладиган пул маблағлари – бу нима?
36	Маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкаларини қонунчиликда белгиланган миқдорлар доирасида белгилаш ваколати қуйидагиларни қайси бирида мавжуд?
37	Молиявий мажбуриятлар тушунчаси нима?
38	Одобахлоқ комиссияси томонидан қандай муружаатлар кўриб чиқилмайди?
39	Умумий фискал баланс нима?
40	«Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома»га асосан қайси ҳолатда актив алоҳида инвентар объект ҳисобланади?
41	Алмашув операциясидан келиб тушадиган оралик тўловлар ва аванслар кўрсатилган хизматлар тўлиқ миқдорини белгилайдими?
42	Алмашув операциясидан ҳосил бўладиган даромадлар миқдори нимага асосан аниқланади?
43	Бюджет ташкилоти эгаллик ҳуқуқи билан боғлиқ таваккалчиликларни ўзида сақлаб қолганда нима бўлади?
44	Бюджет ташкилотларида ҳисоб сиёсати ким томонидан тасдиқланади?
45	Бюджет ташкилотларида ҳисоб сиёсати нима мақсадда тузилади?
46	Бюджет ташкилотларининг доимий кўшимча ишлаб чиқариш харажатларига қандай харажатлари киради?
47	Бюджет ташкилотларининг ўзгарувчан кўшимча ишлаб чиқариш харажатларига қайси жавоб тўғри келади?
48	Бюджет ҳисоби маълумотларини солиштиришни таъминлаш мақсадида ҳисоб сиёсатига ўзгартириш ва кўшимчалар қачондан киритилади?
49	Бюджет ҳисобини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритилган ҳоллардан ташқари яна қайси ҳолларда ҳисоб сиёсатига ўзгартиришлар киритиш мумкин?
50	Ҳисоб сиёсатига нималар кўрсатилади?